

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.V.02.08
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

НУРНИЁЗОВ АХТАМ АБДУНАЗАРОВИЧ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ЮКСАК СУВ ВА СУВ
БЎЙИ ЎСИМЛИКЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Нурниёзов Ахтам Абдуназарович

Самарқанд вилояти сув ҳавзалари юксак сув ва
сув бўйи ўсимликлари ҳамда уларнинг аҳамияти.....3

Нурниёзов Ахтам Абдуназарович

Высшие водные и прибрежные растения
водоемов Самаркандской области и их значение.....21

Nurniyozov Akhtam Abdunazarovich

Highest aquatic and coastal plant
Samarkand region and their significance.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.30.08.2018.V.02.08.**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ

НУРНИЁЗОВ АХТАМ АБДУНАЗАРОВИЧ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ЮКСАК СУВ ВА СУВ
БЎЙИ ЎСИМЛИКЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/В359 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамдамов Искандар Хамдамович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мавланов Хударган
биология фанлари доктори, профессор

Махкамов Тробжон Хусанбоевич
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.30.08.2018.В.02.08. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «7» феврал куни соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 3-уй. Самарқанд давлат университети биология факултети мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-13-78, факс (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (+99866) 239-11-40. E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru.

Диссертация автореферати 2020 йил «24» январ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____даги _____-рақамли реестр баённомаси

З.Т. Ражамуродов

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

М.С. Кузиев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.ф.д. (PhD)

Ҳ.Қ. Хайдаров

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунёда табиий ресурсларга бўлган талабни кундан-кунга ортиши биохилма-хилликни, жумладан ўсимлик дунёсини камайишига ва йўқолиб боришига асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ўринда сув ҳавзалари гидробионтлари ва унинг таркибидаги юксак ўсимликларнинг ҳолати ҳамда турлар таркиби асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бу эса гидрофил флора таркибидаги ўсимликларга бўлган антропоген юк даражасини аниқлаш ва унга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини белгилайди. Шунга кўра, сув ҳавзалари табиий флорасидаги ўзгаришларни асослаш ва замонавий ҳолатини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда алоҳида ҳудудлардаги сув ҳавзалари табиий флораси таркибини алоҳида тавсифлаш, флорани шаклланишига таъсир этувчи омилларнинг ролини баҳолаш, уларда бораётган жараёнларни мониторинг қилишга оид тадқиқотларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда сув ҳавзалари гидрофил флораси таркибини камайиб бориши ва кескин ўзгариб кетиши юз бераётган минтақаларни аниқлаш ундаги табиий ва антропоген омиллар билан биргаликдаги ўзгариш жараёнларини асосли изоҳлаш имкониятини беради. Бу ўринда, Зарафшон дарёси ўрта ҳавзасида жойлашган Самарқанд вилояти мураккаб табиий ва сунъий сув тармоқларига эга бўлиб, гидрофил флорасининг хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб туради. Кейинги йилларда бу ҳудудда антропоген таъсирнинг кескин ортиши Самарқанд вилояти сув ҳавзалари гидрофил флорасини замонавий рўйхатини тузиш, инвентаризациялаш ва турли типдаги сув ҳавзаларида флоранинг шаклланиши хусусиятларини таҳлил этиш орқали ареали қисқариб бораётган турларнинг табиий популяцияларини муҳофаза қилишни белгилаб бермоқда. Шунга кўра, Самарқанд вилояти турли типдаги сув ҳавзалари юксак сув ўсимликлар флорасини инвентаризация қилиш, ундаги ноёб, фойдали турларни тарқалиш ареалини аниқлаш ва муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда сув ҳавзаларини экологик ҳолатини мониторинг қилишда ундаги гидробионтлар биохилма-хиллигини доимий равишда таҳлил қилиб бориш, айниқса сув ҳавзалари гидрофил флорасини тадқиқ этиш, инвентаризациялаш, маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда ундаги фойдали турлардан иқтисодиёт тармоқларида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, чорвачилик, паррандачилик ва фармацевтикада фойдаланиладиган турларни биологик хусусиятларини ўрганиш, интродукциялаш, кўпайтириш ва саноат учун хом-ашё етказиб бериш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “... атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларни олдини олиш” вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга оширишда, жумладан

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Самарқанд вилояти сув ҳавзалари юксак сув ўсимликларининг замонавий таксономик таркибини аниқлаш, конспектини тузиш, турли типдаги сув ҳавзаларидаги гидрофил флоранинг шаклланиш хусусиятларини ўрганиш, гидрофил флора таркибидаги ноёб турларни кўпайтириш технологиялари ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув ҳавзаларида тарқалган юксак ўсимликлар флорасини тадқиқ қилиш, гидрофил флорани таксономик, географик ва биоморфологик хусусиятлари ўрганиш Л.И. Лисицына ва бошқалар (1993) А.В. Щербаков (2003), Р.А. Chambers (2008), Т.П. Петушкова ва бошқалар (2009), О.А. Капитонова ва бошқалар (2013), К.А. Kirichenko (2015), А.А. Бобров (2017), фойдали сув ўсимликларини биологик хусусиятларини ўрганиш ва кўпайтириш И.А. Евсеенко (2000), А.А. Таран (2003), А.Л. Васина ва бошқалар (2003), Н.В. Васильева (2004), Kuhar Urška et al. (2015), сув ўсимликларини муҳофазаси масалалари Г.М. Файвуш (2015), В.Д. Шелест ва бошқалар (2015) томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўз аксини топган.

Мамлакатимизда мазкур йўналишларга оид тадқиқот ишлари К.З. Закиров (1961), Т. Таубаев (1970), Д.А. Абдуллаев (1973), С.Е. Келдибеков (1981), М. Абдиев (1982), З.А. Баходирова (1982), Р.Ш. Шоякубова ва бошқ. (2014), Х.К. Матжонова (2018), Т.Н. Холмурадова (2018) ларнинг ишларида акс эттирилган.

Юқорида айтиб ўтилган олимларнинг илмий ишлари Самарқанд вилояти гидрофил флорасининг таксономик, биоэкологик ва географик структурасини ҳамда ҳудуд сув ҳавзаларидаги гидрофил флоранинг шаклланиши хусусиятларини намоён этмайди.

Самарқанд вилояти сув ҳавзалари юксак сув ўсимликлари гидрофил флорасини таркибини флористик, таксономик, биоэкологик ва географик таҳлил этиш, сув ҳавзаларидаги гидрофил флоранинг шаклланиш

хусусиятларини очиш, ноёб, ареали қисқариб бораётган турларнинг ГАТ хариталарини тузиш ҳамда муҳофаза чора-тадбирлари ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлар режасининг Ф-5-10 “Ўзбекистон тўқайзорлари ўсимликларининг хилма-хиллиги ва келиб чиқишини ўрганиш” (2012-2016) фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд вилояти сув ҳавзалари юксак сув ўсимликлари флораси, унинг таксономик, биоэкологик ва географик таҳлили ҳамда аҳамиятини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси:

Самарқанд вилояти сув ҳавзалари гидрофил флорасининг турлар таркибини аниқлаш;

гидрофил флорани таксономик, биоэкологик ҳамда географик таҳлилинини амалга ошириш;

гидрофил флоранинг турли типдаги сув ҳавзалари бўйлаб тарқалиши хусусиятларини ўрганиш;

Самарқанд вилояти сув ҳавзаларида учрайдиган доривор ўсимлик оддий игир (*Acorus calamus* L.) ни интенсив усулда вегетатив кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш;

гидрофил флора таркибидаги сони ва ареали қисқариб бораётган фойдали турларни ГАТ тузиш ва муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Самарқанд вилояти сув ҳавзалари юксак сув ўсимликларини флораси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Самарқанд вилояти сув ҳавзаларида тарқалган юксак сув ўсимликлари гидрофил флорасининг таксономияси, биоэкологияси, география ҳамда унинг амалий аҳамияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таксономик, фитогеографик, биоморфологик, флористиканинг маршрутли, ярим стационар ва ГАТ хариталарнинг тузишнинг методлари қўлланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Самарқанд вилояти сув ҳавзаларида тарқалган юксак сув ўсимликларининг 4 бўлим, 6 аждод, 32 оила 51 туркумга мансуб 72 тури аниқланган ва конспекти тузилган;

Самарқанд вилояти сув ҳавзалари гидрофил флорасини турли типдаги сув ҳавзалари бўйлаб тарқалиш хусусиятлари очиб берилган;

“Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби” га (1984, 1998, 2006, 2009) киритилган ноёб ўсимлик Марти қиличўти - *Cladium martii* (Roem.et Schult.) K.Richt. нинг Самарқанд вилояти худудида тарқалиши аниқланган;

қимматли доривор ўсимлик оддий игирнинг интенсив усулда вегетатив кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилган;

гидрофил флора таркибидаги ареали қисқариб бораётган ноёб, фойдали ўсимликларни тарқалиш ареали аниқланган, ГАТ хариталари тузилган ҳамда муҳофаза чора-тадбирлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қимматли доривор ўсимлик ҳисобланган оддий игирни илдизпоясидан интенсив усулда вегетатив кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилган;

Самарқанд вилояти сув ҳавзалари гидрофил флораси таркибидаги сони ва табиий популяциялари қисқариб бораётган ноёб, фойдали турларнинг тарқалиши ареали аниқлаган, ГАТ хариталари тузилган, муҳофаза қилиш чора тадбирлари ишлаб чиқилган ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усуллар қўлланилганлиги, олинган натижалар етакчи илмий нашрларда chop этилганлиги, олинган маълумотлар давлат табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжаликлари фаолиятига киритилганлиги, йиғилган гербарий намуналарини Самарқанд давлат университети гербарий коллекцияси фондида сақланаётганлиги, тадқиқот натижалари тегишли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор Самарқанд вилояти сув ҳавзалари гидрофил флораси таркиби аниқланиб, тўлиқ инвентаризация қилинганлиги, худуднинг гидрофил флораси асосан адвентив турлар ҳисобига дарё, каналлар ва зовурлар орқали шаклланганлиги ҳамда ноёб тур ҳисобланган Марти қиличўти - *Cladium martii* (Roem.et Schult.) K.Richt. ни тадқиқот олиб борилган худудда мавжуд бўлмаганлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қимматли доривор ўсимлик оддий игирни интенсив усулда вегетатив кўпайтириш технологияси бўйича тавсиянома ишлаб чиқилганлиги, ноёб, фойдали турларнинг тарқалиши ареали аниқлаганлиги, ГАТ хариталари тузилганлиги, муҳофаза қилиш чора тадбирлари ишлаб чиқилган ҳамда табиатни муҳофаза қилиш соҳаси учун тавсиянома ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Самарқанд вилояти сув ҳавзалари юксак сув ва сув бўйи ўсимликлари ҳамда уларнинг аҳамияти бўйича олинган натижалар асосида:

аниқланган турлар хўжалик аҳамияти кўра гуруҳлари ажратилган, табиий популяциялари ва миқдори Самарқанд вилояти ўрмон хўжалиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2019 йил 19 сентябрдаги 05/21-3294-сон маълумотномаси). Натижада фойдали ўсимлик турларини тарқалиш жойлари ва учраш даражаси аниқлаш ҳамда улардан фойдаланиш меъёрларини белгилаш имконини берган;

оддий игирни вегетатив усулда интенсив етиштириш учун илдизпояларини кўпайтириш оид тавсиялар Самарқанд вилояти ўрмон хўжалиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон

хўжалиги давлат қўмитасининг 2019 йил 19 сентябрдаги 05/21-3294-сон маълумотномаси). Натижада кеч куз-қиш мавсумида оддий игир илдизпояларини интенсив кўпайтириш, парваришлаш ҳамда очик майдонларга экиш учун мақбул ўлчамдаги яроқли илдизпояларни тайёрлаш имконини берган;

гидрофил флора таркибидаги сони ва тарқалиш ареали қисқариб бораётган турларнинг тарқалиши акс эттирилган ГАТ хариталар ҳамда популяцияларини муҳофаза қилиш чора тадбирларига оид тавсиялар Самарқанд вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 22 октябрдаги 03-03/1-3847-сон маълумотномаси). Натижада сони ва ареали қисқариб бораётган турлар табиий популяцияларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, сақлаб қолиш ва уларни муҳофаза қилиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юксак сув ва сув бўйи ўсимликларининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон ҳамда бошқа давлатларида юксак сув ўсимликларининг таксономияси, флораси, биоэкологик хусусиятлари, халқ хўжалигида фойдаланиш истиқболлари, гидрофил ўсимликларни классификациялашга оид тадқиқотлар таҳлили ўз аксини топган. Келтириб ўтилган кам сонли илмий манбалар таҳлилига кўра (Закиров, 1961; Таубаева, 1970; Келдибеков, 1971; Сулаймонов, Жумаева, 2009; Шоякубов ва бошқ., 2014) Самарқанд вилояти юксак сув ўсимликлар флорасини таксономик, биоэкологик ва географик хусусиятларини тўла ёритмайди. Худудда тарқалган фойдали ўсимликларни кўпайтириш ҳамда

уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган.

Диссертациянинг **“Зарафшон дарёси ўрта оқими худуди табиий-географик хусусиятлари. Тадқиқотнинг объекти, материаллари ва тадқиқот услублари»** номли иккинчи бобида худуднинг географик ўрни, иқлими, ерусти ва ерости сувлари, тадқиқотнинг объекти, материаллари ва ўрганиш услублари ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар ва илмий экспедициялар (2016-2019 йй.) давомида Самарқанд вилояти турли типдаги сув ҳавзаларидан йиғилган юксак сув ва сув бўйи ўсимликларининг 300 нусхадан ортиқ гербарий намуналари, ҳамда Самарқанд давлат университети гербарийсида сақланаётган гербарий материаллари хизмат қилди.

Самарқанд вилоятидаги сув ҳавзаларидан белгилаб олинган маршрутда йил фасллари бўйлаб доимий равишда экспедициялар олиб борилди (1-расм). Турли сув ҳавзаларидан гербарий йиғиш ва монтировка қилиш В.М. Катанский (1981), Л.И. Лисицина (2003) услубларида амалга оширилди. Таксономик бирликларни аниқлашда “Флора СССР” (1934-1960), “Флора Узбекистана” (1941-1962), “Определитель растений Средней Азии” (1968-2015) асарларидан фойдаланилди. Гулли ўсимликларнинг замонавий тизими APG IV (2016) асосида келтирилди. Туркум ва турларнинг илмий номлари «Определитель растений Средней Азии», халқаро базалар-International Plants Names Index, The Plant List бўйича қайд қилинди. Гидрофил флоранинг таксономик таҳлил А.В. Щербатов (1994, 2003), ҳаётий шакллар таҳлили С. Raunkiaer (1934), И.Г. Серебряков (1962) географик ва биоэкологик таҳлиллар В. Алёхин (1936), Р.В. Камелин (1973), В.Г. Папченков (1985, 2000), Л.И. Лисицына, В.В. Чепинога (2015), А.П. Лактионов ва бошқалар (2014), П.В. Куликов (2005), К.А. Kirichenko (2015), сув ҳавзаларини классификациялаш В.Г. Папченков (2003) ишлари асосида келтирилди. Биометрик кўрсаткичлар таҳлили Зайцев (1990) услубида, гидрофил ўсимликларнинг тарқалиш харитаси ArcGIS 10 дастури асосида яратилди.


Диссертациянинг **“Самарқанд вилояти юксак сув ва сув бўйи ўсимликларининг флора конспекти”** деб номланган учинчи бобида тадқиқотлар давомида аниқланган 72 тур юксак сув ўсимликларининг бўлим, аждод, оила ва туркумларга тақсимланиши келтирилган. Ҳар бир турнинг ҳаётий шакллари, еростки органларининг тузилиши, биоэкологик хусусиятлари, географик ареали, худуддаги тарқалиш жойи, миқдори, сувнинг шўрланиши ва органик ифлосланишига индикаторлиги, хўжалик аҳамияти батафсил ёритилган. Гидрофил флора таркибидаги оилаларнинг номланиши ва кетма-кетлиги APG IV (2016) тизими асосида келтирилди.

Диссертациянинг **“Самарқанд вилояти сув ҳавзалари гидрофил флораси таҳлили”** деб номланган тўртинчи бобида гидрофил флоранинг сув ҳавзаларида тарқалиш хусусиятлари ёритилган.

Дарё, каналлар ва зовурларнинг гидрофил флораси нисбатан бой эканлиги маълум бўлди. Улардаги сувнинг деярли доимий бўлиши, минерал ва органик моддаларнинг етарли миқдорда эканлиги ҳамда уларни механик

тозалашишлари олиб борилмаслиги хилма-хил флоранинг шаклланишига ва айрим ноёб турларнинг макон топишига сабаб бўлган.

Худуддан оқиб ўтувчи Қорасув, Сиёб, Чашма, Булунғур, Қорасув (Пайариқ туманидаги), Мирзариқ каналларида йўсинлардан *Riccia fluitans* L., *Ricciocarpus natans* (L) Corda., *Fissidens grandifrons* (Brid.) Limpr., гидрофитлардан *Potamogeton pectinatus* L., *P. crispus* L., *P. perfoliatus* L.,



1-расм. Самарқанд вилояти сув ҳавзалари харита-схемаси

△- гербарий йиғилган жойлар

P. natans L., *Zannichellia palustris* L., *Myriophyllum spicatum* L., гелофитлардан *Acorus calamus* L., *Butomus umbellatus* L., *Nasturtium officinale* W.T. Aitson., *Sium sisarum* L., *Veronica anagallis-aquatica* L., *Rorippa palustris* (L.) Besser., *Bolboschoenus maritimus* (L.) Palla., гидрофитлардан: *Equisetum arvense* L., *Triglochin palustris* L., *Artraxon langsdorffi* Hochst., *Polypogon demissus* Steud., *Cynodon dactylon* Pers., *Poa trivialis* L., *Glyceria plicata* Fries. *Cyperus flavidus* Retz., *C. sanguinolentus* Vahl., *C. serotinus* Rottb., *C. difformis* L., *C. longus* L., *Ranunculus pachycaulon* (Nevski) Luferov., *V. anagaloidis* Guss., *Mentha longifolia* (L.) L., *Stachys setifera* C.A. Mey., *Sagittaria trifolia* L. тарқалган.

Зовурлар ҳам кўплаб сув ўсимликларининг яшаш макони ҳисобланади. Зовурлар каналлар ва ариқлардан фарқ қилиб уларда айрим турлар бошқа турларга қараганда жуда кўп тарқалган бўлади. Тайлоқ, Самарқанд ва Пастдарғом туманларидаги зовурларда доривор ўсимлик *Nasturtium officinale* W.T. Aitson. ҳаддан зиёд кўп тарқалиб, зовурлар суви юзасини бутунлай қоплаб олган. Иштихон, Жомбой, Пайариқ ва Каттакўрғон туманларидаги ховурларда *Typha laxmannii* Lepech., *T. angustata* Vory & Chaub. ва *Phragmites australis* (Cav) Trin. каби турлари бошқа турларга нисбатан жуда кўп миқдорда тарқалганлиги аниқланган. Зовурларда айрим турларни жуда кўп

тарқалганлигининг асосий сабаб зовурларга оқова сувларнинг ташланиши, механик равишда тез-тез тозаланиб туриши ҳамда кишилар томонидан чорва моллари ва қурилиш материаллари сифатида йиғиб олинishi натижасида илдиэпоя ва илдиэбачкиларидан кўпаядиган турларни тез тарқалишига олиб келди.

Каттакўрғон, Оқдарё, Қорасув сув омборида юксак сув ўсимлик турлари сони ва миқдори кам эканлиги билан характерланади. Сув омборлар дарёдаги ва мавсумий селлардан ҳосил бўладиган ортиқча сувларни тўплашга ихтисослашган бўлиб, уларнинг сув сатҳи доимий эмас. Сув омборлари учун характерли гидрофитлардан-*Zannichellia palustris* L., *Nayas marina* L., *Ceratophyllum demersum* L., *Potamogeton perfoliatus* L., *Myriophyllum spicatum* L.; гелофитлардан-*Phragmites australis* (Cav) Trin., *Typha laxmannii* Lepech., *T. angustata* Bory & Chaub., *Cynodon dactylon* Pers., *Glyceria plicata* Fries., *Poa trivialis* L. *Nayas marina* L., *Ceratophyllum demersum* L., *Potamogeton perfoliatus* L., *Myriophyllum spicatum* L. кенг тарқалган. Балиқ боқиладиган ҳовуэлар суви асосан дарё, сойлар, ариқ ва каналлардан ҳамда ер ости сизот сувлари орқали тўйинтирилади. Шунга боғлиқ ҳолда балиқчилик ҳовуэларида *Typha laxmannii* Lepech., *Sparganium microcarpum* Celak., *Potamogeton pectinatus* L., *Nayas marina* L., *Triglochin palustris* L., *Sagittaria trifolia* L., *Alisma lanceolatum* L., *Cynodon dactylon* Pers., *Phragmites australis* (Cav) Trin., *Glyceria plicata* Fries., *Schoenoplectus lacustris* (L.) Palla., *Bolboschoenus martimus* (L.) Palla., *Ceratophyllum demersum* L., *Rorippa palustris* (L.) Besser., *Trachomitum scabrum* (Russanov) Pobed., *Epilobium hirsutum* L., *Plantago major* L., *Mentha longifoilia* (L.) L. тарқалган.

Тоғ сойлари ва булоқлар гидрофил флораси сувнинг ҳосил бўлиши, физик-кимёвий таркиби ва тупроқ-иқлим шароитлари билан боғлиқ ҳолда текислик сув ҳавзалари флорасидан фарқ қилиши аниқлаган. *Heracleum lehmannianum* Bunge, *Orchis umbrosa* Kar. et Kir., *Datisca cannabina* L. тоғ сойлари ва булоқлари учун характерли ўсимликлар ҳисобланади.

Шолипоялар, вақтинчалик кўлмакларда суғориш ишларида, кучли ёмғирдан сўнг ва тошқинлар даврида сув тўпланади. Шунинг учун ҳам бу жойларда доимий флора мавжуд бўлмайди. Шолипояларда озика моддаларнинг етарли миқдорда бўлиши, сув оқимининг жуда пастлиги айрим сув ўсимликларининг жуда авж олиб ўсиб ривожланишини таъминлайди. Бундай ўсимликлардан *Echinochloa crus-galli* (L.) P.Beauv., *E. oryzicola* Vasing., *Cynodon dactylon* Pers. кабилар шолипояларнинг ашаддий бегона ўтларидан ҳисобланади. Булардан ташқари турли суғориш каналлари ва ариқлар орқали *Schoenoplectus lacustris* (L.) Palla., *Bolboschoenus martimus* (L.)Palla., *Rumex syriacus* Meisn., *R. conglomeratus* Murray., *Plantago major* L., *Typha angustata* Bory & Chaub., *T. laxmannii* Lepech., *T. minima* Funck., *Azolla caroliniana* Willd., *Sparganium microcarpum* Celak., *Lemna trisulca* L., *L. minor* L. кабилар ҳам тез-тез учраши аниқланди. Балиқчилик ҳовуэлари атрофларида, экин майдонларининг пастликларида, лоток ариқларнинг суви оқиб турадиган жойларда, баъзи суви тошиб кетадиган ариқ, канал ёқаларида катта кичик

кўлмак сувлар тўпланади. Тупроқнинг намлиги меъёрдан ортиб кетиши натижасида, бу жойларда ҳам ўзига хос гидрофил флора шаклланади. Бундай жойларда кенг тарқалган гидрофил ўсимликлардан: *Typha* L., *Persicaria* Mill., *Rumex* L., *Ranunculus* L., *Plantago* L. турлари, *Echinochloa crus-galli* (L.) P.Beauv., *Polypogon demissus* Steud., *Cynodon dactylon* Pers., *Phragmites australis* (Cav) Trin., *Poa trivialis* L., *Glyceria plicata* Fries., *Cyperus longus* L., *syriacus* Meisn., *Rorippa silvestris* (L.)Besser., *Bidens tripartita* L., *Veronica anagalloidis* Guss., *Mentha longifolia* (L.) L. шулар жумласидан. Вақтинчалик кўлмакларда ва сернам тупроқларда гидрофит ўсимликлар учрамаслиги бу жойларда сувнинг доимий бўлмаслиги билан изоҳланади.

Худуддаги сув ҳавзаларида тарқалган гидрофил турлар сони жиҳатдан етакчи ўринни каналлар флораси ташкил этган бўлиб, уларда 31 тур (43,05%) ўсимликлар тарқалган. Кейинги ўринларни зовурлар (25 тур, 34,72%), вақтинчалик кўлмаклар ва сернам тупроқлар (22 тур, 30,55%), тоғ сойлари ва булоқлар (21 тур, 29,16%), балиқчилик ҳовузлари (18 тур, 25,00%), шилипоаялар (12 тур, 16,66%), дарё қирғоқлари (10 тур (13,88%) ва сув омборлари 9 тур (12,5%) эгаллади. Аниқланган турлардан 10 таси (13,88%) фаол турлар сифатида барча типдаги сув ҳавзаларида учраши маълум бўлди. Булар: *Typha angustata* Bory & Chaub., *Phragmites australis* (Cav) Trin., *Cyperus longus* L., *Schoenoplectus lacustris* (L.) Palla., *Cratoneuron filicinum* (Hedw.) Spruce., *Equisetum arvense* L. *Cynodon dactylon* Pers., *Plantago major* L., *P. lanceolata* L., *Mentha longifolia* (L.) L.. Самарқанд вилояти худуди куруқ иқлимли минтақага мансублиги, айрим сув ҳавзалари вақти вақти билан қуриб қолиши ҳамда худудда шаклланган гидрофил флоранинг асосий қисми адвентив турлар ҳисобига шаклланганлиги натижасида фаол турлар жами гидрофил турларни кам қисмини ташкил этган. Буни флора таркибидаги турларни сув муҳитига муносабатига кўра гуруҳлар орасида тақсимланиши ҳам исботлайди.

Диссертациянинг **“Гидрофил флоранинг таксономик, биоэкологик ва географик структуралари”** деб номланган бешинчи бобда гидрофил флоранинг таксономик таҳлили, биоэкологик хусусиятлари ҳамда географик структурасига оид таҳлил натижалари келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлими гидрофил флоранинг таксономик структураси таҳлилига бағишланган бўлиб, Самарқанд вилояти сув ҳавзалари гидрофил флораси таркибида 72 тур ўсимлик мавжудлиги, улар 4 бўлим, 6 аждод, 32 оила 51 туркумга мансублиги келтирилган (1-жадвал). Унга кўра гидрофил флоранинг катта қисмини Magnoliophyta бўлими ташкил этган ҳолда, унинг бир уруғпаллали аждоди турлар сони бўйича яққол етакчилик қилган, кейинги ўринни икки уруғпаллали ўсимликлар эгаллаган. Флорада Polipodiophyta ва Equisetophyta бўлими 1 тадан таксонларга эга бўлган ҳолда жами флорани 1,39 % га эгаллик қилди. Bryophyta бўлиmidан эса 7 тур аниқланиб, жами гидрофил флорани 9,72% ни ташкил этган. Гидрофил флора асосий таксонларининг нисбати номутаносиб тарзда шаклланганлигини кўриш мумкин. Флоранинг асосий қисмини ташкил қилган гулли ўсимликлар 25 оила (жами оилаларни

78,12%), 42 туркум (жами туркумларни 82,35%), 63 турни (жами турларни 87,5%) ўз ичига олган.

1-жадвал

Самарқанд вилояти гидрофил флорасининг таркиби

№	Бўлимлар	Аждод	Оила	Туркум	Тур	%да
1	Bryophyta	2	5	7	7	9,72
2	Equisetophyta	1	1	1	1	1,39
3	Polipodiophyta	1	1	1	1	1,39
4	Magnoliophyta шундан:	2	25	42	63	87,5
	Liliopsida		11	23	36	50,0
	Magnoliopsida		14	19	27	37,5
	Жами:	6	32	51	72	100

Бир уруғпаллали ўсимликлар асосий таксонлари гидрофил флорада яққол етакчилик қилди. Equisetophyta ва Polipodiophyta ларнинг асосий таксономик бирликлари нисбати ўзаро тенглигини кўриш мумкин (2-жадвал). Гидрофил флорадаги турлар сони бўйича етакчи оилалар 9 та бўлиб, 44 турини (61,11%) ўз ичига олган. Ушбу етакчи оилалар 23 туркумни (45,09%) бирлаштирган. Қолган оилаларда 1-2 тадан турлар мавжуд ҳамда улар 41,67% турга га эгалик қилган. Тадқиқот олиб борилган ҳудудда бир уруғпаллалилар оилалари (Poaceae, Cyperaceae) яққол етакчилик қилди. Улар 16 турни (22,22%) ташкил этди. Кейинги ўринларни эгаллаган 7 та етакчи оила 36,11% ни бирлаштирган. Қолган 3 оилада 2 тадан (ҳар бири 2,77 % тур ва 22 оила 1 тадан (ҳар бири 1,38%) турни ўз ичига олган.

2-Жадвал

Гидрофил флора асосий таксономик гуруҳларининг нисбати

№	Таксономик гуруҳлар	Оилалар сони		Туркумлар сони		Турлар сони	
		Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
1	Bryophyta	5	15,62	7	13,73	7	9,72
2	Equisetophyta	1	3,13	1	1,96	1	1,39
3	Polipodiophyta	1	3,13	1	1,96	1	1,39
4	Magnoliophyta шундан:	25	78,12	42	82,35	63	87,5
	Liliopsida	11	34,37	23	45,09	36	50,0
	Magnoliopsida	14	43,75	19	37,26	27	37,5
	Жами:	32	100	51	100	72	100

Тадқиқот олиб борилган ҳудуд сув ҳавзаларида гидрофил флораси таксонлари нисбати таҳлилига кўра дарё, канал ва зовурларда 25 оила, 35 туркум, 57 тур (79,16%), сув омборлари, балиқчилик ҳовузларида 17 оила, 17 туркум, 19 тур (26,38%), тоғ сойлари ва булоқлари атрофида 9 оила, 10 туркум, 10 тур (13,88%), шолিপоялар, вақтинчалик кўлмаклар ҳамда ўта сернам тупроқларда 17 оила, 19 туркум 21 тур (29,65%) ўсиши маълум бўлди.

Сув ҳавзаларда таксонларнинг ўзаро нисбати ҳам фарқ қилди (3-жадвал). Ўрганилган ҳудудда дарё, канал, ариқ ва зовурлар каби оқадиган сув типларда турларнинг кўп учраши улар нисбатан каттароқ майдонларни эгаллаши, бошқа минтақалар билан бевосита алоқаси туфайли адвентив турларни кириб келиши ҳисобига бойиганлиги билан изоҳланади.

Бобнинг иккинчи бўлимида гидрофил флоранинг биоэкологик структуралари таҳлил қилинган. К. Раункиер (1934) классификацияси бўйича криптофитлар яққол етакчилик қилган. Улар 45 турни (62,5%) ташкил этди. Кейинги ўринларни терофитлар (10 тур, 13,9%), гемикриптофитлар (9 тур, 12,5%) ва фанерофитлар (1 тур, 1,38%) эгаллаган. И.Г. Серебряков (1964) классификациясига кўра қуйидагича кетма-кетлик кузатилди: кўп йиллик ўтлар-53 тур (73,61%), бир йиллик ўтлар-11 тур (15,27%) ва дарахтлар 1 тур (1,38%). Сув ҳавзаларида куруқлик муҳитига нисбатан экологик омилларнинг мўътадил бўлиши, флоранинг шаклланиш жараёнлари узок давом этганлиги, ҳамда флоранинг алмашинув жараёнлари деярли бўлмаслиги криптофит (кўп йиллик ўтлар) ўсимликларни яққол етакчилик қилишини изоҳлайди. Йўсинлар турлари бу таҳлилга киритилмади.

3-жадвал

Гидрофил флоранинг сув ҳавзалари бўйича таксономик спектри

Кўрсаткичлари	Сув ҳавзалари			
	Дарё, канал, зовурлар	Сув омборлари, балиқчилик ховузлири	Тоғ сув ҳавзалари	Доимий бўлмаган сув ҳавзалари ва бошқалар
Турлар сони	57/79,16%*	19/26,38%*	10/13,88%*	21/29,16%*
Туркумлар сони	35/68,62%**	17/33,33%**	10/19,60%**	19/37,25%**
Оилалар сони	25/73,53***	17/50,00***	9/26,47***	17/50,00***
Туркумлардаги турлар ўрт. сони	1,62	1,11	1,0	1,10
Оилалардаги турларни ўрт. сони	2,28	1,11	1,11	1,23
Оилалардаги туркумларни ўрт. сони	1,40	1,0	1,11	1,11

Изоҳ: *жами турлардан % ҳисобида, **жами туркумлардан % ҳисобида, ***жами оилалардан % ҳисобида

Гидрофил флора таркибидаги турлар еростки органларининг тузилишига кўра калта илдизпояли (14 тур, 19,4%), ўқ илдизли (13 тур, узун илдизпояли (12 тур, 16,7%) ва горизонтал илдизпояли (12 тур, 16,7%) турлар етакчилик қилиши аниқланган. Попук илдизли ўсимликларнинг 6 тури (8,33%), тугунакли ўсимликларнинг 3 тури (4,16%) мавжуд. Қўшимча илдизли, туганак

илдизпояли ҳамда сувда илдиз ҳосил қиладиган турларнинг биттадан (1,38%) тури аниқланди. 7 тур (9,72%) йўсинлар ризоидли ўсимликлар ҳисобланди. Илдизпояли ўсимликлар *Typhaceae* Juss., *Sparganiaceae* Rudolphi, *Potamogetonaceae* Dumort, *Juncaginaceae* Juss. каби оила турларида, ўқ илдизлар турлар *Nayadaceae* Juss., *Polygonaceae* Juss., *Ranunculaceae* Juss. оилалари таркибида, попук илдизли турлар эса *Cyperaceae* Juss. ва *Poaceae* Barnhart оилаларининг бир йиллик турларига хос. Туганакли *Bolboschoenus martimus* (L.) Palla., туганак-илдизпояли *Orchis umbrosa* Kar. et Kir. ҳисобланади. *Azolla caroliniana* Willd., *Ceratophyllum demersum* L. каби илдизсиз ва *Zannichellia palustris* L. каби сувда илдиз ҳосил қиладиган турлар мавжуд. Илдизпояли турлар асосан туби қум-лойли ғрунтли тинч оқадиган, ёки оқмайдиган сув ҳавзалари, ҳовузлар, сув омборлари, баъзан секин оқадиган канал ва дарёларда учрайди. Илдизи сув қатламларида ривожланадиган ёки илдизи мавжуд бўлмаган турлар эса балиқчилик ҳовузлари, сув омборлар ҳамда ҳовузларда тарқалган. Бу сув ҳавзаларида сувнинг деярли оқмаслиги сувда муаллақ ўсувчи ўсимликлари учун қулай ҳисобланади. Гидрофил флоранинг сув муҳитида ўсиш хусусиятлари таҳлилига кўра, гидрофитлар турлар сони бўйича етакчилик қилиши маълум бўлди. Уларнинг 32 тури (44,5%) аниқланган. Кейинги ўринларни геллофитлар (26 тур, 36,1%) ва гидрофитлар (14 тур, 19,4%) эгаллади. Гидрофит ўсимликлар асосан *Juncaginaceae* Juss., *Orchidaceae* Juss. ва *Poaceae* Barnhart оилалари таркибида учради. Бу гуруҳ ўсимликлари ариқ, ҳовуз, каналлар, ҳовузлар атрофида ҳамда сернам тупроқлар, тоғдаги сойлар ва булоқлар бўйларида тарқалган. Геллофитлар *Alismataceae* Vent., *Sparganiaceae* Rudolphi, *Typhaceae* Juss. каби оилалар турлари киради. Бу гуруҳ ўсимликлари деярли барча тинч оқадиган сой, каналлар, дарё бўйлари, ҳовузлар ва балиқ боқилладиган сув ҳавзаларида сувга ярим ботган ҳолда ўсади. Гидрофит ёки ҳақиқий сув ўсимликлари *Salviniaceae* Martinov, *Potamogetonaceae* Dumort, *Zannichelliaceae* Dumort, *Nayadaceae* Juss., *Araceae* Juss., *Ceratophyllaceae* Gray, *Haloragaceae* R.Br. оилалар турлари ҳисобланади. Бу ҳудуддаги сув ҳавзалари нисбатан кичикроқлиги, улар асосан ариқ, канал, зовур ва ҳовузлардан иборатлиги, сув омбори ва унинг атрофи юксак сув ўсимликлари билан қалин қопланмаганлиги, ҳамда гидрофил флоранинг асосий қисми балиқчилик ҳовузлари ва сунъий кўллар ва шопипояларда шаклланганлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари Ўзбекистон ҳудудининг катта қисми нисбатан қуруқ минтақага тўғри келиши ҳам сув ўсимликлари турларининг хилма-хиллигини ва уларнинг кенг тарқалишини чеклаши билан характерланади.

Гидрофил флоранинг хўжалик аҳамиятига кўра гуруҳларининг таҳлилига кўра 41 тур ем-хашак, 28 доривор, 13 манзарали, 8 техника, 8 ошловчи, 7 асалли, 4 захарли, 4 эфир мойли, 3 бегонаўт, 1 тадан қурилишбоп, бўёқдор ва мойли ўсимликлар мавжудлиги аниқланди.

Флоранинг географик структурасини таҳлил қилиш орқали ареалларнинг хилма-хиллигини, ўрганилаётган флоранинг атрофидаги бошқа флоралар билан ўзаро алоқасини ҳамда мазкур флоранинг шаклланиш хусусиятларини

аниқлаш имконини беради. Гидрофил флора таркибидаги турлар географик ареал типлари бўйича қуйидагича тақсимланди: Голарктик 17 тур (23,61%), Палеарктик 14 тур (19,44%), Плуорегионал 6 тур (8,33%), Космополит 4 тур (5,55%), Бореал-евроосиё 3 тур (4,16%), Голарктикбореал 2 тур (2,77%), Ўртаосиё 2 тур (2,77%), Жанубийпалеарктик 2 тур (2,77%), Арктоальпциркумбореал 2 тур (2,77%), Монтан 2 тур (2,77%), Фарбийпалеарктик, Плуоризонал, Арктомонтан, Бореал, Неморал, Қораденгизбўйиқозоғистон, Фарбийўртаерденгизи, Қадимгиўртаерденгизи, Евроосиё, Тоғлиўртаосиё, Фарбийпомиролой, Ўртаерденгизи, Варзоб, Хисордарвоз 1 турдан (1,38%) дан иборатлиги маълум бўлди. Таҳлил натижалари кўра ҳудуд гидрофил флораси 25 та географик ареал типларига мансуб бўлиб, ҳудуд гидрофил флорасининг асосан адвентив турлар ҳисобидан шаклланганлиги миграцион элементлари мавжуд флора эканлигини асослайди. Осиё флорасига хос бўлган турларнинг нисбатан камлиги, мавжудлари ҳам асосан тоғли ҳудудларга хослиги, Ўрта Осиё минтақаси қуруқ иқлимли эканлиги, гидрофил флора таркибидаги турлар асосан сернам ареалларга хос эканлиги ҳамда ушбу ареаллардан миграцион йўллар билан кириб келганлиги билан изоҳланади.

Мавжуд илмий манбалар ва “Миллий гербарий” даги гербарий материалларни таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг 1984, 2006 ва 2009 йиллардаги нашрларига киритилган Мартиқиличўти - *Cladium martii* (Roem.et Schult.) K. Richt. ни Самарқанд вилояти ҳудуди учрамаслиги аниқланди.

Диссертациянинг “Сув ўсимликлардан фойдаланиш, кўпайтириш ва муҳофаза қилиш” деб номланган олтинчи бобида ноёб доривор ўсимлик оддий игир (*Acorus calamus* L.) нинг илдизпоясидан кўпайтириш технологияси ҳамда ҳудудда сони ва ареали қисқариб бораётган турларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга оид натижалар келтирилган. Оддий игир табиий ҳолда Самарқанд вилоятининг Тайлоқ, Ургут туманларида канал, зовур ва сунъий кўлларда, Қорасув канали атрофида тарқалган қимматбаҳо доривор ўсимлик ҳисобланади. Ўрта Осиё ҳудудида игирни чангланттирувчи хашарот учрамайди. Шунинг учун бу ўсимлик бизнинг шароитимизда уруғ ҳосил қилмайди. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда бу ўсимлик кам учрайди ҳамда тарқалиши ареали жуда тор. Ватани Ҳинди-хитой. Бу ўсимликни фармацевтика саноатига хом-ашё етиштириб берувчи ташкилотлар учун илдизпоясидан интенсив кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилди. Бунинг учун табиатдан ўсимликнинг илдизпоялари эрта баҳорда келтирилиб, турли ўлчамларда (4-6, 8-10, 14-15 см) кесилди, иссиқхона шароитида ҳарорат +30°C да, тувакларда оддий тупроққа экилди. Кесилган бўлақларнинг массаси ва эни экишдан олдин ўлчанди. Суғориш кўлда олиб борилди, дастлабки 3-4 кунда ҳар куни 6-8 мартадан, униб чиққандан сўнг кунига 1-2 мартадан суғорилди. Тувакларнинг тупроғи яхши намланиб туришига эътибор берилди. Ер устки органлари ўсишдан тўхтагач, илдизпоялари ажратиб олиниб узунлиги, массаси ва эни ўлчанди (4-жадвал, 2-расм).

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, илдизпояларнинг экишдан олдинги ва гуллагандан кейинги кўрсаткичлари 1 вариантда узунлиги 1,5-2 баравар, вазни 2,6-4,4 г дан $24,2 \pm 1,24$ г гача, 2 вариантда узунлиги 1,6-2,2 баравар, вазни 8,4-10,7 г дан $36,8 \pm 2,20$ г гача ҳамда 3 вариантда узунлиги 1,2-1,5 бараваргача вазни 19,2-22,1 г дан $42,5 \pm 2,56$ гача ортиши аниқланди. Оддий игирни вегетатив усулда интенсив кўпайтириш учун табиий шароитда ўсган жойларидан ноябр ойининг иккинчи декадасида олиб келиниб, ҳаво ҳарорати 30°C дан паст бўлмаган, яхши ёритилган иссиқхоналарда юқорида айтиб ўтилган тадбирлар асосида ўстириш тавсия этилади.

4-Жадвал

Иссиқхона шароитида ўстирилган оддий игир илдизпояларининг биометрик кўрсаткичлари

Вариантлар, см	Илдизпояларни йиллик ўсиши, см	Бир мавсум давомида ўсган илдизпояларниҳўл массаси, г	Илдизпояларнинг диаметри, см
4-6	$6,8 \pm 0,58$	$24,2 \pm 1,24$	$0,81 \pm 0,05$
8-10	$10,5 \pm 0,93$	$36,8 \pm 2,20$	$1,52 \pm 0,03$
14-15	$14,2 \pm 1,5$	$42,5 \pm 2,56$	$2,11 \pm 0,04$

Бобнинг иккинчи бўлимида гидрофил флора таркибида популяциялари ва ареали қисқариб бораётган фойдали турлар (Оддий игир (*Acorus calamus* L.), Зуптурумнамо булдуруқўт (*Alisma plantago-aquatica* L.), Ланцетсимон булдуруқўт (*Alisma lanceolatum* L.), Учбаргли найзабарг (*Sagittaria trifolia* L.), Сувпиёз (*Butomus umbellatus* L.), Соячил солаб (*Orchis umbrosa* L.),



2-расм. Оддий игирнинг дастлабки хом-ашёси

Майдамевали қаламибарг (*Sparganium microcarpum* Celak.) нинг тарқалишига оид маълумотлар ўз аксини топган. Унда ҳар бир турнинг ботаник тавсифи, фотосуратлари, фойдали хусусиятлари, тарқалиш жойлари, GPS маълумотлари, камайиш сабаблари ҳамда тарқалиши акс этган ГАТ хариталар келтирилган. Ҳар бир турнинг популяция ва ареалини муҳофаза қилиш чоратадбирлари оид тавсиялар ишлаб чиқилган. Бу ўсимликларни Ўзбекистон Республикаси Қизил Китобнинг кейинги сонларига киритиш тавсия этилади.

ХУЛОСАЛАР

«Самарқанд вилояти сув ҳавзалари юксак сув ва сув бўйи ўсимликлари ҳамда уларнинг аҳамияти» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Таҳлил натижаларига кўра Самарқанд вилояти турли типдаги сув ҳавзаларида юксак ўсимликларнинг 72 тур аниқланди. Улар 4 бўлим (Bryophyta, Polipodiophyta, Equisetophyta, Magnoliophyta), 6 аждод, 32 оила 51 туркумга мансуб. Гидрофил флоранинг асосий қисмини бир уруғпаллалар ташкил этди. Гидрофил флоранинг таксономик таҳлилига кўра етакчи оилалар 9 тани ташкил этиб, 44 турини ўз ичига олган ҳамда жами гидрофил флорани 61,11% га эгалик қилган. Етакчи туркумлар 6 та. Улар жами турларни 29,16% бирлаштиради.

2. Гидрофил флора таркибидаги турларнинг ҳаётий шаклига кўра криптофитлар яққол етакчилик қилган. Улар 45 тур бўлиб, жами флоранинг 62,5 % ни ташкил этган. Кейинги ўринларни терофитлар (10 тур, 13,9%), гемикриптофитлар (9 тур, 12,5%), фанерофитлар (1 тур, 1,38%) эгаллади. Кўп йиллик ўтларни яққол етакчилик қилиши (53 тур, 73,61%) барча гидрофил флораларга хос хусусият ҳисобланади. Кейинги ўринларни бир йиллик ўтлар (11 тур, 15,27%) ва дарахтлар (1 тур, 1,38%) эгаллаган.

3. Гидрофил флораси таркибидаги турларни салмоқли қисмини экологик ва географик тарқалиши кенг диапозонда бўлган Голарктик, Палеарктик, Плуорегионал-плюризонал ареал типларида кўриш мумкин. Таҳлил натижалари ҳудуд гидрофил флорасининг асосан адвентив турлар ҳисобидан шакллаган бўлиб, миграцион элементлари мавжуд флора эканлигини асослайди. Осиё флорасига мансуб турларни нисбатан камлиги минтақанинг куруқ иқлимли эканлиги, гидрофил флора таркибидаги турлар асосан сернам ареалларга хос эканлиги ҳамда ушбу ареаллардан миграцион йўллар билан кириб келганлиги билан изоҳланади.

4. Таҳлил натижаларига кўра, гидрофил флора таркибида гидрофит турлар етакчилик қилиши маълум бўлди. Уларнинг 32 тури аниқланиб, жами гидрофил флорани 44,5% ни ташкил этди. Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг катта қисми нисбатан арид минтақага тўғри келиши сув ҳавзаларида турларнинг хилма-хиллиги ва тарқалишини чеклаган.

5. Гидрофил флоранинг сув ҳавзалари бўйлаб тақсимланишини ўрганиш натижасига кўра энг кўп турлар каналлар (31 тур, 43,05%) ва зовурларда (25 тур, 34,72%) тарқалганлиги маълум бўлди. Барча типдаги сув ҳавзаларида учрайдиган фаол турлар 10 тани ташкил этган. Улар кенг экологик яшаш диапозондаги турлар эканлигидан далолат беради.

6. Таҳлил натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Қизил Китобига киритилган Самарқанд вилояти ҳудудида тарқалганлиги кўрсатилган ноёб ўсимлик *Cladium martii* (Roem. et Schult.) K. Richt. тадқиқот олиб борилган ҳудудда учрамаслиги аниқланди.

7. Ноёб доривор ўсимлик ҳисобланган оддий игирнинг интенсив усулда вегетатив кўпайтириш учун кузда кавлаб олинган, 4-6 см ва 8-10 см ли кесилган илдизпоялари иссиқхона шароитда кўпайтирилиб март ойининг иккинчи декадасидан ташқарига экиш тавсия этилади.

8. Самарқанд вилоятида сув ҳавзаларида ўсадиган ноёб, сони қисқариб бораётган ва фойдали ўсимликларни муҳофаза қилиш мақсадида улар ўсадиган сув ҳавзаларида муҳофаза зоналарини ташкил этиш, уларни йиғишни чеклаш ва Қизил Китобнинг кейинги нашрларига киритиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.30.08.2018.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЬ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ

НУРНИЁЗОВ АХТАМ АБДУНАЗАРОВИЧ

**ВЫСШИЕ ВОДНЫЕ И ПРИБРЕЖНЫЕ РАСТЕНИЯ ВОДОЕМОВ
САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ**

03.00.05– Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд– 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.3.PhD/359

Диссертационная работа выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Хамдамов Искандар Хамдамович доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Мавланов Хударган доктор биологических наук, профессор Махкамов Тробжон Хусанбоевич кандидат биологических наук, доцент
Ведущая организация:	Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «7» февраля 2020 года в «13⁰⁰» часов на заседании Научного совета PhD.30.08.2018.В.02.08 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 3. Актовый зал факультета биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за № ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан «24» января 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» 2020 года)

З.Т. Ражамуродов
Председатель научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

М.С. Кузиев
Ученый секретарь научного
совета по присуждению учёных
степеней, PhD

Хайдаров Х.К.
Председатель научного семинара при
научного совета по присуждению
учёных степеней, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Всё возрастающие потребности к природным ресурсам в мире, в частности растительного мира являются основным фактором сокращения биоразнообразия и его исчезновения. Одним из основных показателей гидробионтов водоемов является видовой состав высших растений и его состояние. Появляется необходимость определения уровня антропогенного влияния на растения в составе гидрофильной флоры и разработки мероприятий по борьбе с ним. В этой связи важное научно-практическое значение имеет обоснование изменений в естественной флоре водоёмов и оценка их современного состояния.

Особое внимание, в мировом масштабе, уделяется научным исследованиям по изучению естественной флоры водоёмов отдельных территорий, оценки влияющих факторов на формирование флоры и мониторингу. Особенно, в водоемах густонаселенных местностей состав гидрофильной флоры сокращается и его резкое изменение связано с одновременным влиянием естественных и антропогенных факторов. Например, на территории Самаркандской области, расположенной в среднем течении бассейна реки Зарафшан имеются сложные природные и искусственные водные системы, особо отличающиеся разнообразием гидрофильной флоры. В последние годы в результате резкого возрастания на этой территории антропогенного влияния появляется необходимость составления современного списка гидрофильной флоры водоёмов Самаркандской области, инвентаризации, анализа формирования флоры в различных типах водоёмов и охраны видов природных популяций с сокращающимся ареалом. В этой связи проведение инвентаризации флоры высших водных растений в различных типах водоёмов Самаркандской области, определения в них ареала распространения редких, полезных видов и разработка мероприятий по охране имеет важное научно-практическое значение.

В нашей республике, при проведении мониторинга экологического состояния водоёмов, уделяется особое внимание постоянному анализу биоразнообразия гидробионтов, анализу гидрофильной флоры водных бассейнов, их инвентаризации, составлению базы данных, а также использованию полезных видов в экономических отраслях. В этом направлении получены важные результаты по изучению биологических особенностей видов, используемых в животноводстве, птицеводстве и фармацевтике, интродукции, размножению и обеспечению промышленности сырьём. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² обращено особое внимание «...на решение проблем наносящих вред окружающей среде». Для решения этой проблемы важное значение имеет,

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

в частности, определение современного таксономического состава высших водных растений водоёмов Самаркандской области, составление конспекта флоры, изучение формирования гидрофильной флоры в различных типах водоёмов, технологии размножения редких видов в составе гидрофильной флоры разработка мероприятий по их охране.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан за № 409 “Об охране растительного мира и его использовании”, от 21 сентября 2016 года, в Указе Президента Республики Узбекистан за № 4947 “Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 мая 2013 года за № 142, «О программе действий по охране окружающей среды Республики Узбекистан в 2013-2017 годах», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной области.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

